



ПАРАЛИМПИЯ ҲАРАТИНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИНИНГ ИЖТИМОЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

К.Х.Шамуратов

Қорақалпоғистон Республикаси Спорт
вазирлиги тизимидаги Республика спортнинг
якка кураш турларига ихтисослаштирилган
спорт мактаби, йўруқчи-услугачиси

Аннотация: ушбу мақолада паралимпия ҳаракатининг келиб чиқиши ва ривожининг ижтимоий-ҳуқуқий асослари халқаро ва минтақавий даражада таҳлил қилинган бўлиб, Ўзбекистон Республикасида бу соҳада амалга оширилаётган ишлар юзасидан бир қатор маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: паралимпия спорти, адаптив спорт, ногирон, кўмита, федерация.

Аннотация: в данной статье анализируются социально-правовые основы зарождения и развития Паралимпийского движения на международном и региональном уровне, а также приводится ряд сведений о работе, проводимой в этой сфере в Республике Узбекистан.

Ключевые слова: паралимпийский спорт, адаптивный спорт, инвалиды, комитет, федерация.

Abstract: this article analyzes the socio-legal basis of the origin and development of the Paralympic movement at the international and regional level, as well as provides a number of information on the work carried out in this field in the Republic of Uzbekistan.

Key words: paralympic sport, adaptive sport, disabled, committee, federation.



Бугунги кунда кўплаб мамлакатларда имконияти чекланган инсонларнинг спорт билан шуғулланиши ва ўзларини ушбу соҳада намоён қилишлари учун кенг имкониятлар яратиб берилмоқда. Спорт ногиронлик оқибатларини фаол равишда енгишга ёрдам берувчи, шунингдек инсонни ижтимоий, тиббий ва жисмоний реабилитация қилишнинг самарали воситасидир.

Шу билан бирга, паралимпиячиларнинг енгил атлетика, сузиш, пауэрлифтинг, оғир атлетика, чанғи, югириш, велоспорт ва бошқа спорт турлари бўйича жаҳон рекордларининг ўрнатиши орқали йўқотилган функциялар билан инсоннинг имкониятлари, унинг жасорати ва матонатининг ёрқин намунаси сифатида намоён этмоқдалар. Хусусан, бу борада бир қатор давлатларда паралимпия ҳаракатлари ютуқларининг намуналарини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Даставвал, паралимпия ўйинлари тушунчасига қисқача тўхталиб ўтадиган бўлсак, паралимпия ўйинлари – ногирон шахслар ўртасида ўтказиладиган халқаро спорт мусобақаларидан бўлиб, Олимпияда ўйинларидан кейин анъанавий тарзда ўтказилади. Паралимпия ўйинлари имконияти чекланган спортчилар учун энг нуфузли мусобақа бўлиб, унга танлов миллий, минтақавий ва халқаро мусобақалар орқали амалга оширилади.

«Паралимпия ўйинлари» номи дастлаб «paraplegia» атамаси билан боғлиқ эди, чунки дастлаб бу турдаги мусобақалар орқа мия касалликлари бўлган одамлар ўртасида ўтказилган. Шунингдек, ўйинларга бошқа спортчиларнинг киритилиши «Паралимпия ўйинлари» атамаси «Олимпияда яқинида, ташқарисида» деб қайта талқин қилинди. Бунда «para» предлоги юнончада «яқин, ташқарида, бундан ташқари, параллел» каби маъноларни англатади. Шундай қилиб, «паралимпия» сўзи янги талқинда ногиронлар ўртасидаги мусобақаларни Олимпияда ўйинлари билан параллел ва тенг равишда ўтказишни кўрсатиши белгиланган [1].

Асл мақсади ногиронларни даволаш ва реабилитация қилишдан иборат бўлган мусобақалар олий даражадаги спорт тадбирига айланганлиги, мазкур соҳада



мувофиқлаштирувчи органга зарурат пайдо қилди. Натижада , паралимпия ўйинларини мувофиқлаштирувчи орган, яъний Халқаро паралимпия қўмитаси ташкил этилди. Қўмитанинг олий органи Бош Ассамблея бўлиб, у ҳар икки йилда бир марта йиғилишади [2].

Таъкидлаш жоизки, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси томонидан 2006 йил 13 декабрда 61/106 резолюцияси билан «Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисида»ги Конвенция қабул қилинган [3].

Мазкур Конвенциянинг 30-моддасида ногирон шахсларнинг маданий ҳаётда, фаол дам олиш фаолиятида, спортда иштирок этиш ҳуқуқлари белгилаб берилган. Унга кўра иштирокчи давлатлар ногиронларнинг бўш вақтларини ўтказиш, ҳордик чиқариш ва спорт тадбирларида бошқалар билан тенг равишда иштирок этишларини таъминлаш учун тегишли чораларни кўрадилар деб белгиланган.

Бундан ташқари, БМТ Бош Ассамблеясининг 1993 йил 20 декабрдаги 48/96 резолюцияси билан «Ногиронлиги бўлган шахслар учун имкониятларни тенглаштиришнинг стандарт қоидалари» қабул қилинган [4].

Мазкур стандарт қоидаларнинг 11 бандида давлатлар ногиронларнинг дам олишлари ва спорт билан шуғулланишлари учун тенг имкониятларни таъминлаш чораларини кўришини амалга ошириши белгиланган.

Бу ўз навбатида, иштирокчи давлатлар ногиронларнинг дам олиш ва спорт иншоотлари, меҳмонхоналар, пляжлар, спорт ареналари, спорт заллари ва бошқаларга киришини таъминлаш чораларини кўришларида, спорт машғулотларида қатнашаётган ногиронларга бошқа спортчилар каби таълим олиш ва тайёргарлик кўриш учун имкониятлар яратиб беришда номоён этилишида назарда тутилган.

Шунингдек, Халқаро паралимпия қўмитаси қоидалари тўплами 2007 йил 24 ноябрда қўмита Бош Ассамблеяси томонидан тасдиқланган ва Халқаро паралимпия ҳаракати, Паралимпия ўйинлари ва қўмита фаолиятига оид асосий ҳужжатларни ўз ичига олади [5].



Шу билан бирга, паралимпия ҳаракатининг минтақавий миқёсда ҳам асослари шакллана бошлади.

Жумладан, МДХга аъзо бўлган давлатлар Парламентлараро Ассамблеясининг 2008 йил 25 ноябрдаги ўттиз биринчи ялпи мажлисида қабул қилинган «Паралимпия спорти тўғрисида»ги Намунавий қонун қабул қилинган. Ушбу қонун паралимпия спорти соҳасидаги фаолиятнинг умумий ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий асосларини белгилашга, шунингдек Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатларда паралимпия спорти тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг асосий тамойилларини белгилашга қаратилган [6].

Шу билан бирга, имконияти чекланган шахсларнинг спорт билан шуғилланиши, паралимпия мусобақаларига иштирок этишини таъминлаш борасида мамлакатимизда барча шарт шароитлар яратилган бўлиб, ҳуқуқий асослар билан мустаҳкамланган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 57-моддасида давлат ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий соҳалар объектлари ва хизматларидан тўлақонли фойдаланиши учун шарт-шароитлар яратади, уларнинг ишга жойлашишига, таълим олишига кўмаклашади, уларга зарур бўлган ахборотни тўсқинликсиз олиш имкониятини таъминлайди деб белгиланган [7].

Ўзбекистон Республикасининг «Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинган. Мазкур қонуннинг 27-моддасида ногиронлиги бўлган шахсларнинг маданий ҳаётда иштирок этишга, дам олишга ва спорт билан шуғулланишга бўлган ҳуқуқи белгиланган. Унга мувофиқ,
– давлат мулки бўлган спорт объектлари ва иншоотларининг спорт заллари ҳамда хоналарини ногиронлиги бўлган шахсларга спорт билан шуғулланиш учун бепул асосда тақдим этилади, бундан қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар мустасно;



– давлат спортнинг паралимпия турлари бўйича мураббийлар, ҳакамлар ҳамда бошқа мутахассисларни ўқитиш ва тайёрлашни таъминлайди;

– давлат органлари ногиронлиги бўлган шахсларнинг спорт билан шуғулланиши учун шарт-шароитлар яратиш ва уларни спорт билан шуғулланишга жалб этишга доир дастурларни нодавлат нотижорат ташкилотлари, шу жумладан ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари билан биргаликда ҳар йили ишлаб чиқади ҳамда амалга оширади;

– давлат ногиронлиги бўлган шахсларнинг спорт билан шуғулланишини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш тизимини яратади деб белгиланган [8].

Ўзбекистон Республикасининг «Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни (Нью-Йорк, 2006 йил 13 декабрь) ратификация қилиш ҳақида» Қонуни қабул қилинди. Бу билан ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси ногиронлиги бўлган шахслар ўз ҳаётининг барча соҳаларида бошқалар билан тенг равишда ҳуқуқ лаёқатига эга эканлигини тан олишини халқаро ҳужжатни ратификация қилиш орқали мустаҳкамланди [9].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг **«Паралимпия ҳаракатини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»**ги 2021 йил 18 майдаги ПҚ-5114-сон қарори қабул қилинди. Мазкур қарорга мувофиқ паралимпия ҳаракатини ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан бири сифатида жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларга спорт билан шуғулланиш учун шарт-шароитларни кенгайтириш ҳамда улар ўртасида спорт билан шуғулланувчилар қамровини янада ошириш, шунингдек барча турдаги спорт таълим муассасаларида жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахслар учун спорт бўлимларини босқичма-босқич ташкил этиш ҳамда иқтидорга эга бўлган жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларни танлаб олиш, уларни спорт турларига йўналтириш, тайёрлаш ҳамда олий спорт маҳоратига эришишини таъминловчи узлуксиз ягона комплекс тизимни жорий этиш белгиланган.



Шу билан бирга, мазкур қарорга мувофиқ Ўзбекистон миллий паралимпия ассоциацияси негизида Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси ташкил этилиб, унинг вазифалари ҳам белгилаб берилди.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 октябрдаги 599-сон қарорига 2-иловасида «Паралимпия спорт турлари бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тартиби тўғрисида»ги Низом тасдиқланган. Мазкур Низом паралимпия спорт турлари бўйича раҳбар кадрларни, олий спорт маҳорати мактаблари, Олимпия ва Паралимпия коллежлари, ихтисослаштирилган спорт мактаблари, спорт мактабларининг паралимпия спорт турлари бўйича йўриқчи-услугчилари ва тренерларини ҳамда шу соҳадаги бошқа мутахассисларни (кейинги ўринларда — паралимпия спорт турлари бўйича мутахассислар) қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тартибини белгилайди.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу мақолада ногиронлиги бўлган шахсларнинг спорт билан шуғулланишлари ва паралимпия мусобақаларида иштирок этишининг ижтимоий-ҳуқуқий асосларига тўхталиб ўтилган. Ушбу асосларнинг амалиётда қўлланиши ва доираси, шунингдек замонавий жамиятнинг эҳтиёжларига асосан такомиллаштириб бориш зарурати мавжудлигини кўришимиз мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар ва манбаалар:

1. Брюхова Ксения Евгеньевна СОВРЕМЕННЫЙ ПАРАЛИМПИЙСКИЙ СПОРТ: ПЕРСПЕКТИВЫ ЕГО РАЗВИТИЯ // Актуальные проблемы педагогики и психологии. 2022. №12. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/sovremennyy-paralimpiyskiy-sport-perspektivy-ego-razvitiya> (дата обращения: 28.04.2024).
2. <http://paraolympic.org/>
3. https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/disability.shtml
4. https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/disabled.shtml



5. Сборник нормативных правовых документов в области паралимпийского спорта [Текст] / авт.-сост. А. В. Царик ; под общ. ред. П. А. Рожкова ; Паралимпийский комитет России. – М. : Советский спорт, 2011. – 35 с.
6. Байрамов Фаид Вагифович МОДЕЛЬНЫЙ ЗАКОН СНГ "О ПАРАЛИМПИЙСКОМ СПОРТЕ" КАК ПРЕДПОСЫЛКИ ДЛЯ ПРАВОВОГО РЕГУЛИРОВАНИЯ ЗАЩИТЫ СПОРТСМЕНОВ-ПАРАЛИМПИЙЦЕВ // Социально-политические науки. 2021. №1. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/modelnyy-zakon-sng-o-paralimpiyskom-sporte-kak-predposylki-dlya-pravovogo-regulirovaniya-zaschity-sportsmenov-paralimpiytsev> (дата обращения: 28.04.2024).
7. <https://lex.uz/docs/6445145>
8. <https://lex.uz/docs/5049511>
9. <https://lex.uz/docs/5447413>